# 15-МАВЗУ:Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари

Режа:

1.Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси.

2.Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси.

3.Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар.

4.Қобилиятларнинг психологик структураси.

5.Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси.

6.Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.

7.Характер ва шахс.

# *Қобилиятлар* -

- шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсатгичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

## *Темперамент* -

- инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

## *Характер* -

- шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз-ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади

# *Иродавий сифатлар* -

- ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

# Эмоциялар ва мотивация

- эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган ҳиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.
- ҳолатидир



# *«Индивид» ва «Индивидуаллик»*

- ***«Индивид»*** тушунчаси умуман «одам» деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.
-

# Темперамент-ўзи нима?

- **Темперамент** – шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир. Яъни темперамент инсоннинг турли вазиятларда нарса ва ходисаларга, инсоннинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлар мажмуи ҳисобланади.



## Гиппократнинг таълимоти

Эрамиздан олдинги 5 асрларда яшаган кадимги грек врачи ва табиётшунос олими Гиппократ одамлар уртасидаги тафовутларни урганиб, одамларни 4 группага булган.



# Холерик тоифасига хос сифатлар

“**холэ**” “**сафро, заҳар**” маъносини билдириб, кишининг харакатчанлигини ифодалайди.

Жаҳлдор, қатъиятли, масъулиятли, ҳаракатчан, уларнинг эътиборини жалб қилиш мушкулдир.

1) сабрсиз, ҳовлиқма;
2) сержаҳл;
3) бетоқат;
4) одамлар билан муносабатда кескин ва ростгўй;
5) қатъиятли ва ташаббускор;
6) қайсар;
7) тортишувда топқир;
8) тиришқоқлик билан ишлайдиган;
9) таваккал қилишга мойил;
10) аразламайдиган;
11) тез, эҳтиросли, пойма-пой нутққа эга;
12) қизиққонликка мойил;
13) тажаввузкор, уришқоқ;
14) камчиликларга тоқатсиз;
15) ифодали имо-ишораларга эга;





Интуитивно–Этический





холерики



# Сангвиник

“Сангуис” “қон” деган маънони билдириб, кишининг ҳаракатчан ва кувноқлигини билдиради. Вазиятларга, эътиборини тортган нарсаларга тезда ўз муносабатини билдирадиган, ўзларига ишонувчан, ҳаракатлари енгил ва тез, мимикалари табиий, нутқи равон ва жарангдор, лекин тез зерикувчан, ўзгарувчан инсон.



# Сангвиник тоифасига хос сифатлар

1) қувноқ ва хушчақчақ;
2) ғайратли ва ишчан;
3) кўпинча бошлаган ишини охирига етказмайдиган;
4 ўзига ортиқча баҳо беришга мойил;
5) янгиликларни тезда илғаб, қабул қилишга қодир;
6) қизиқишлар ва майлларда беқарор;
7) муваффақиятсизликлар ва ноқулайликларни осон кечира оладиган;
8) турли шароитларга осон мослашадиган;
9) ҳар қандай ишга зўр қизиқиш билан киришадиган;
10) янги ишга тез киришиб кетиб, бир ишдан иккинчисига тезда қўшилиб кетадиган;
11) бир хил, кундалик, сермеҳнат иш билан банд бўла оладиган;
12) дилкаш ва меҳрибон, ўзи учун янги бўлган кишилар билан муомала қилишдан тортинмайдиган;
13) бардошли ва ишчан;
14) жонли имо-ишоралар, ифодали мимика билан ажралиб турадиган аниқ, тез ва баланд овозли нутққа эга;






сангвиники

# Флегматик

Флегматик маъноси “**флегма**” кишининг тинч ва ҳаракатсизлигини билдиради.
Ҳаёт йўли текис ва равон, шошилмасдан ҳаракат қиладиган, камгап инсон.



# Флегматик тоифасига хос сифатлар

1) босиқ ва совуққон;
2) ишларда собитқадам ва мулоҳазали;
3) эҳтиёткор ва андишали;
4) кутишга қодир;
5) камгап ва бекорга гапираверишни истамайдиган;
6) осойишта, бир маромдаги, ҳис-хаяжони яққол ифодаланмаган, ҳаракат ва мимикага бой бўлмаган нутққа эга;
7) вазмин ва сабр-тоқатли;
8) бошланган ишни охиригача етказадиган;
9) кучини бекорга сарфламайдиган;
10) вужудга келган ҳаёт тартибига, ишдаги системага қатъий риоя қиладиган;
11) маъқуллаш ва танбеҳлардан кам таъсирланади;
12) мулойим, ўз шаънига айтилган қалтис ҳазилларга кечирувчан муносабатда бўлади;
13) ўз муносабат ва қизиқишларида барқарор;
14) ишга бафуржа киришиб, бир ишдан иккинчисига секинлик билан ўтади;





Сенсорно–Логический





флегматики

# Меланхолик

**“мелайна холэ” “қора сафро”** маъносини билдириб, кишининг ғамгинлигини кўрсатади.
Пассив, хаёлпараст, нутқи паст ва секин, дилидагини очиқ айта олмайдиган инсон.







Интуитивно–Логический





**меланхолики**

# Темперамент ва мулоқот кўринишлари

**ФЛЕГМАТИК**

босиқ,
ижодкор

**ХОЛЕРИК**

бўйсундирувчи,
Ўз фикрида
қатъий турувчи

**САНГВИНИК**

барчанинг
кўнглини
олувчи,
хушмуомала

**МЕЛАНХОЛИК**

мустақил
фикрга
эга бўлмаган,
ҳимоясиз

# Темперамент ва иштаҳа

**сангвиник** → яхши, кўпроқ «ширинлик»ка ўч

**холерик** → Кўп ва тез овқатланади



**флегматик** → овқатланиш жараёнини қадрлайди, шошилмайди

**меланхолик** → Паст ва суст

# Темперамент ва ўзини баҳолаш даражалари



# Темперамент ва уйқу



сангвиник → Ранг-баранг тушлар

холерик → Кам ухлайди, кеч уйғонади, кечаси билан ишлайди

флегматик → Тез ухлаб қолади, уйғотиш қийин

меланхолик → Кам ухлайди, кечга томон ҳолсиз бўлади

# Эътиборингиз учун раҳмат!